



## ПЕДАГОГ - ТАРБИЯЧИ МУТАХАСИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

**Мелиев Хамидулла Абдуллаевич<sup>1</sup>,**

**Хасанова Гулноза Илхом қизи<sup>2</sup>**

<sup>1</sup>Ўзбекистон, Жizzah давлат педагогика институти, профессор.

<sup>2</sup>Ўзбекистон, Жizzah давлат педагогика институти, ўқитувчи.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6417963>

### **MAQOLA TARIXI**

Qabul qilindi: 15-mart 2022

Ma'qullandi: 20-mart 2022

Chop etildi: 25-mart 2022

### **KALIT SO'ZLAR**

муайян қонуният тартиби , мутахассис компетентлиги, билим бериш, муҳим ва фаҳрли, интерфаол таълим жараёнлари, ҳамкорлик, педагог-тарбиячи, тараққиётга эришиш, янгиланиш моделимиз.

### **ANNOTATSIYA**

Тарбиячи ёш авлодни ҳалқимизнинг муносаб фарзандлари қилиб тарбиялашдек муҳим ва фаҳрли шу билан бирга маъсуллиятли вазифани бажаради. Ушбу мақолада педагог - тарбиячи мутахасисларни тайёрлашниң назарий ва методологик асослари хақида сўз борган.

Республикамизда мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш мазмунини такомиллаштиришнинг турли моделлари ва технологияларини яратиш заруратини юзага келтиради. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "...узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш"<sup>1</sup>вазифаси белгиланиб, бу

борада педагогларнинг касбий компитентлигини ошириш, таълим мазмунини такомиллаштириб боришда қулай шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади. Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Бизнинг вазифамиз - тўпланган тажриба ва илғор халқаро амалиётга суюнган ҳолда, ўзимизнинг тараққиёт ва янгиланиш моделимизни қат'ий амалга оширишдан иборат. Шу борада яқин ва ўрта муддатга белгиланган мэрраларга эришиш учун қат'ият билан ҳаракат

<sup>1</sup> 1Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги 4947-Фармонига 1-иловаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz))



қилишимиз зарур”<sup>2</sup> деб таъкидлаганлари бежиз эмас. Негаки, тараққиётга эришишда мамлакат жтимоий тизмининг барча соҳалари фаол бўлмоқликлари шарт. Шу боисдан, Олий таълим массасаларида бўлажак тарбиячиларининг педагогик қобилият ва маҳоратини ривожлантириб бориш, ўқитишнинг илғор усуллари ва уларга замонавий ёндашув асосида ижобий муносабат билдириши интерфаол таълим жараёнларини тӯғри режалаштириш, муайян қонуният тартиби асосида интерфаол таълим ва интерфаол методлардан фойдаланишда ҳам бир қатор қоидаларга амал қилиш, талабалар билан ўзаро ҳамкорликка қурилган натижадорликнинг яққол намунаси сифатида эътироф этилади. Жамиятда педагог-тарбиячи биринчидан, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, иккинчидан меҳнаткаш халқимизга ҳар томонлама билим беришдек савобли ва маъсулиятли вазифаларни бажаради. Тарбиячи ёш авлодни ҳалқимизнинг муносиб фарзандлари қилиб тарбиялашдек муҳим ва фаҳрли шу билан бирга маъсулиятли вазифани бажаради.

Узлюксиз таълим тизимида тарбиячиларини касбга тайёрлаш, уларда зарурий касбий сифатлар ва кўнгилмаларини шакллантириш масалалари Э.Зеер, Х.Абдукаримов, Н.Муслимов, Б.Раҳимов, Н.Сайдадаҳмедов, Я.Хайдаров,

О.Ҳайдарова, Ф.Юзликаевлар томонидан ҳам тадқиқ этилган. Тарбиячиларда педагогик қобилияtlарни такомиллаштиришнинг психологик хусусиятлари Дж.Гилфорд, Е.Торренс, А.Леонтев, М.Давлетшин, Эпгаш Фозиевларнинг илмий изланишларида кенг ёритилган.

Тарбиячининг сиёсий этуклиги болаларнинг тарбиялаш сифати учун ҳалқ ва жамият олдидаги ўз маъсулиятини англашга таълим - тарбия ишларини ҳал этишга ижодий ёндошишга ўз маҳоратини доимо фаоллаштириб бориш ва ҳамкасларнинг ишдаги ўсишга кўмаклашувига ёрдам беради. Тарбиячининг болаларга муносабати сўзсиз тарбиячи меҳнати муафаққиятларида ҳал қилувчи рол ўйнаши ҳамда педагогик маҳоратнинг муҳим тамони бўлиб ҳисобланишини такидлаган эди. **Адолф Дистервергнинг** фикрича тарбиячи билан болаларнинг ўзаро муносабати кўп жиҳатдан айнан мана шу жараён ҳарактерига боғлиқдир. Муолифнинг такидлашича ўзаро муносабатни тарбиячи шахсининг фаоллиги ва жамоадаги тасирлашуви нуқтайи назаридан ўрганиши ҳам мумкин. Тарбиячилик касбининг шаклланиши давомида педагогик маҳорати такомиллашиб боради. У турли писихологик хусусийтларга эга бўлган тарбияланувчилар билан таълим - тарбиёвий фаолият олиб боради. У ўз навбатида тарбиячининг жамиятда тинимсиз ижод қилишга, тарбиянинг ҳар хил восита ва усулларини топиб мохирона қўллашга мажбур этади. Тарбия натижасида белгиланган мақсадга эришиш учун тарбиячилар йиллар двомида йиғилган тажриба ва

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.

Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2016.



малакаларига таяниб ишлайдилар. Тарбиячининг назарий ҳамда амалий фаолиятида эришадига барча ютуқлари ва ижобий натижалари унинг педагогик махоратини намоён этувчи асосий воситалар ҳисобланади.

В.А.Сласттельин тарифилашича тарбиячилик касбини эгаллашда педагогик қобилият ҳам муҳим ўрин эгаллади. Унинг фикрича педагогик қобилият шахсининг касбий йўналишидаги юқори кўриниши билан ҳар қандай фаолият қобилиятнинг асосий кўрсаткичи, махсус умумлашган малакаларни эгаллаганлик даражасидир. Йирик психолог С.Л.Рубинштейн таъкидлаб ўтганидек, “педагогик жараён ўқитувчи-тарбиячининг фаолияти тариқасида ривожланувчи бола шахсини шакллантиради, бу эса педагогнинг ўқувчи фаолиятига нақадар раҳбарлик қилишига ёки аксинча, унга эҳтиёж сезмаслигига боғлиқ бўлади”. Дарҳақиқат, бола шахсининг ривожланишида тарбиячининг роли бениҳоя муҳимдир. Сабаби, у таълим ва

тарбия жараёнининг ташкилотчиси вазифасини бажаради. Шу боис, ҳозирги шароитда бўлажак тарбиячининг ташкилотчилик қобилиятига нисбатан юксак талаб қўйилмоқдалар. Ҳар қандай жамиятда баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етказиш ва уни маълум бир қасбга йўналтириш оғир ва мешақатли меҳнат эвазига амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг келажаги, мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи, таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан тарбиячи-ўқитувчига, унинг савиясига, тайёргарлигига, фидойилигига, ёш авлодга таълим бериш ва баркамол инсон даражасида тарбиялаб, вояга етказишга нисбатан шиҷоатига боғлиқ. Бу жараёнда эса бўлажак тарбиячи жамиятда фаол ҳаракат қилмоғи, ўз устидаги мунтазам изланиш олиб бормоқлари талаб этилади.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. ўзбекистон республикаси президентининг “ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги 4947-фармонига 1-иловаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz))
- 2.. ўзбекистон республикаси президентининг “мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” пқ-3955 т.: 2018 йил 30 сентябрь. “халқ сўзи” газетаси
3. ўзбекистон республикаси президентининг 2016 йил 31 декабр (халқ сўзи) куни матбуотда эълон қилинган “2017-2021 йилларда олий таълим ташкилотигача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳттп://lex.uz
4. мирзиёев ш. м. эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –тошкент: ўзбекистон нмиу, 2016.



5. хасанова, г. (2021). олий таълим муассасалари педагогларининг креатив қобилияtlарини ривожлантиришнинг мазмунни. асадемис ресеарч ин эдусатионал ссиенсес, 2(1)
6. хасанова, г. и. қ. (2021). болага йўналтирилган таълимни амалга оширишда тарбиячининг касбий компетентсиясининг ахамияти. асадемис ресеарч ин эдусатионал ссиенсес, 2(9), 1051-1056.
7. хасанова, г. (2021). болага йўналтирилган таълимни амалга оширишда тарбиячининг касбий компетентсиясининг ахамияти. science web academic papers collection.
8. хасанова, г. (2021). мактабгача ёшдаги болаларни нутқини грамматик тузилишини шакллантириш. мактабгача таълим журнали, 4(пресчоол эдусатион жоурнал).
9. хасанова, г. и. қ. (2021). интегратив ёндашув асосида мактабгача таълим йўналиши тарбиячиларининг педагогик қобилияtlарини такомиллаштириш. асадемис ресеарч ин эдусатионал ссиенсес, 2(12), 826-830.
10. хасанова, г. (2021). шарқ мутаффакирларининг оилада фарзанд тарбиясига оид қарашлари. мактабгача таълим журнали.